

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Қизилтепа туман АБМК
бошқармаси бошлиғи
С.Т.Қодиров
2022 год.



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун.

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ:

1. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙУРИҚНОМА
2. ТЕХНИК ҚИСМ
3. НАРХЛАР ҚИСМИ

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети; Қизилтепа туман АБМК бошқармасига карашли Қизилтепа канали сув оким бўйича ўнг киргоғини ПК-1861 дан ПК-1876 гача 1,5 км. масофада механизмлар ёрдамида тозалаш ишларини бажариш 2022 йил октябрь-ноябрь ойи давомида хизмат кўрсатиш.

1.2. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чикилмайди.

1.3. Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузиладн.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб йил давомида 60 кунга қадар

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Қизилтепа туман АБМК бошқармаси (бундан кейин –«Буюртмачи» деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Қизилтепа тумани, Ўзбекистон шох кўчаси 37 уй. Эл.адрес: qiziltepa_abmk@mail.ru

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Қизилтепа туман АБМК бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклилан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камила 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 15 фоизи микдоридидаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

- танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- ўз қучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

- танлов объектида ўз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

- Бюджет ва солиқ органларидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди.

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш). тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар «Буюртмачи» ва «Иштирок» ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3.танлов ҳужжатларида қуйдагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, «Буюртмачи» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак:

Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4.Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлишни талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар;

- Техник таклиф, Фирменный бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;
- Техник ҳужжатлар рўйхати (техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5.Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади.
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиши муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6.ТОМОНЛАРНИИГ ЖАВОБГ АРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида танлонда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қамада уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни/хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгаришлар киритилган санадан эътиборан қамада ўн кунга узайтирилиши керак.

Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадаи эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун- моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



«ТАСДИКЛАЙМАН»
Қизилтепа АБМК бошқармаси
бошлиғи
С. Т. Қодиров
2022 йил.

НУҚСОНЛАР ДАЛОЛАТНОМАСИ.





Биз қуйида имзо чекувчилар; Қизилтепа АБМК бошқармаси бошлиқ ўринбосари А. Гаффоров, ИЧТТИБ бошлиғи А. Турдиев, Канал хизмати бошлиғи К. Убайдуллаев, 1-тоифали муҳандис гидротехник Ф. Амоновлар тузамиз ушбу далолатномани шу ҳақдаким, Қизилтепа канали сув оқими бўйича ўнг қирғоғини съёмка қилиб чиққанимизда ПК- 1861 дан ПК-1876 гача жами 1,5 км масофада 25000 м³ ҳажмда тупроқ ишларини бажариш кераклиги аниқланди.

Ушбу лойқани тозалаш учун механизмлар ёрдамида қуйидаги ишларни бажариш талаб этилади.

(пудрат услубида)

№	Бажариладиган ишлар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори
1.	Қуввати 96 кВт, бульдозер ёрдамида 2-тоифали эски тупроқни 20 м. масофагача суриб текислаш.	минг.м ³	6,20
2.	0,5 м ³ чўмичли «JONYANG – 230 LBP» русумли эксковатор ёрдамида 2-тоифали тупроқни қазиб чиқариш.	минг.м ³	17,30
3.	0,5 м ³ чўмичли «JONYANG – 230 LBP» русумли эксковатор ёрдамида 2-тоифали тупроқни қайта олиб ташлаш. (перекитка)	минг.м ³	7,50
4.	0,5 м ³ чўмичли «JONYANG – 230 LBP» русумли эксковатор ёрдамида 2-тоифали тупроқни 2 метргача сув остидан қазиб чиқариш.	минг.м ³	7,70

Далолатномани тасдиқлаб имзо чекувчилар:

 А. Гаффоров
 А. Турдиев
 К. Убайдуллаев
 Ф. Амонов